

Лицензиясиз фаолият – қонунга хилоф!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги ПҚ-294-сонли, 2006 йил 9 мартдаги ПҚ-303-сонли Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482 - сонли Қарори талаблари ижросини таъминлаш, харакат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўловчи ташиш билан боғлиқ йўл - транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида Хоразм вилоятида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Хоразм вилоят ИИБ ЙҲҲБ, Давлат солиқ бошқармаси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Хоразм вилоят ҳудуий бўлими ҳамда автотранспорт корхоналари вакилларидан иборат йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи барча турдаги автотранспорт воситаларини назорат этувчи гурухлар билан биргаликда шаҳар ва туманларда рейд текширувлари ўтказилди.

2016 йилнинг январь-июнъ ойлари давомида 959 та лицензиясиз автотранспорт воситаларида йўловчи ташиётган ҳайдовчилар аниқланиб, Қонун доирасида маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, ҳужжатлар суд органларига ўтказилди. Суд органлари томонидан 918 тасига жами 574 миллион 674 минг сўм миқдорида жарималар ундирилди.

Вилоятдаги йўловчи ташиш билан шуғулланувчи юридик шахслар ҳамда тадбиркорлар ўртасида қарор талаблари юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Вилоятнинг барча туманлари ва Урганч шаҳридаги йўловчилар гавжум бўладиган жойларда “Йўналишсиз таксилар тўхтаб туриш жойлари”дан 18 таси ташкил қилинди.

2016 йилнинг 1 июль холатига 1230 та енгил таксиларга махсус сериядаги давлат рақам белгилари берилган. Шундан 1068 та енгил таксиларда стандарт плафон, 1204 тасида таксометр, 91 тасида терминаллар ижарага олиниб ўрнатилган.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати